Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ва мўътабар аёллар!

8 Март

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz • № 10 (869) • 2012 йил, 7 март, чоршанба

**"Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор"**

**Ислом КАРИМОВ**

## Жамиятимиз фариштталари

### юртимизда юксак эътибор ва ғамхўрликда

Бугунги кунда ҳар қандай жамиятнинг асосий «кўзгуси» бу хотин-қизлар эканлиги шубҳасиздир. Чунки жамиятнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъи назар, ўша жамият аҳолиси турмушининг фаровонлик даражаси, оилалар барқарорлиги, келажак авлод — фарзандлар тарбияси, иқтидори, жамиятдаги интеллектуал салоҳият, маънавият ва маданият, маърифат, қўйингки, барча жабҳаларда эришилган ютуқлар шу жамият тараққиётига хотин-қизларнинг қўшадиган ҳиссаси ва жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Халқимизда "Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратади" — деган нақл бежиз айтилмаган. Буюк аждодларимиз, миллатимиз тарихидан маълумки, ўзбек аёли, ўзбек оналари нафақат ўз элимиз, балки дунё ҳамжамияти, умумбашарият тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келган. Буюк саркарда ва аллома Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, азизу авлиёлар — Баҳоуддин Нақшбандий, Абдухолиқ Ғиждувоний, ҳазрат Хўжа Аҳрор Валий, жаҳонни лол қолдирган олиму алломалар — Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Имом Ал Бухорий, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби ўнлаб, юзлаб боболаримизни шу замин аёллари камолга етказган. Ёки мағрур ва жасур, доно Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим, Увайсий каби аждодларимиз шу тупроқ фарзандларидир.

Башарият тушунчасида икки муқаддас хилқат борки, уларни айро ҳолда эътироф этиб бўлмайди. Бу албатта, Она ва Ватандир. Қалб тўридан мустаҳкам ва абадий жой эгаллаган ушбу сўзларнинг ўхшашлиги тасодифий ҳол эмас, дунёда онадан-да эъзозли ва эҳтиромга лойиқ инсон, Ватандан-да азиз ва қимматли, мурувватли замин йўқ. Бу иккала номни бир-бирига менгзашнинг асосий сабабларидан яна бири шундаки, онага ҳам, Ватанга ҳам хиёнат қилиш энг катта гуноҳи азимдир, бу номларнинг муштараклиги ҳам ана шунда бўлса, ажаб эмас.

Ҳа, мўътабар оналар, хотин-қизлар, бўлғуси оналар ҳаётнинг боши, уй-рўзғоримиз, жамиятимиз фариштасидир.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган хотин-қизларнинг ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллаши, салоҳиятларини намоён этишлари ҳамда жамиятда амалга оширилаётган маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларда тўлақонли иштирокини таъминлаш мақсадида илк мустақиллик йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан имкониятлар яратишда, аввало, уларнинг оналик ва оиладаги бош тарбиячилик вазифаларига асосий эътибор қаратилмоқда. Чунки бу иккала ўта муҳим вазифани бажаришда аёлнинг жамиятдаги мавқеи, нуфузи, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъминланганлиги, маънавий-маърифий жиҳатдан етуклиги, сиёсий онги, ижтимоий тафаккури, ҳуқуқий маданияти ва саводхонлиги беқиёс аҳамиятга моликдир.

Хотин-қизларга, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга давлатимиз, қолаверса, шахсан Юртбошимиз томонидан жиддий эътибор берилаётганлигининг, улар учун алоҳида имкониятлар яратилаётганлигининг боиси ҳам аёлнинг, энг аввало, келажагимиз давомчилари, зурриёдларимиз, ворисларимиз, эртанги кунда бизнинг тақдиримизни ишониб топширадиган фарзандларимиз бунёдкорлари ҳамда тарбиячилари эканлигига алоҳида урғу беришдан иборатдир, деб биламан.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши мамлакатимизда оилалар чироғи бўлмиш хотин-қизлар масаласи, оила институти янада юксакроқ аҳамият касб этаётганлигининг яна бир исботи бўлди.

Давоми 4-бетда



## Мангу барҳаёт қўшиқ

**Эътибор**

Қуёш шарқдан чиқади, нур аввало, шарққа таралади. Бу муҳим эътирофни "Шарқ аёлга эҳтиромдан бошланади" деб тўлдириш мумкин. Халқ оғзаки ижодида, ёзма бадиий асарларда, тасвирий ва амалий санъат намуналарида бу эҳтиромнинг юксак ифодаларини кўришимиз мумкин. Аёл мавзуси, оналарга муҳаббат Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби буюк қалам соҳиблари ижодида ҳамиша етакчилик қилган. Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Аҳмаров, Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориев, Акмал Нур ва бошқа кўплаб истеъдодли қалам соҳибларининг энг машҳур асарлари Аёл қалбига бағишланган. Шарқлик аёллар ғарбликларга нисбатан анча аввал ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлишгани, мамлакатни бошқаришда фаол иштирок этишгани, босқинчиларга қарши курашларда мислсиз жасорат намуналарини кўрсатишгани тарихий манбаларда кўп бор эътироф этилган.

Тарихдан яна шу нарса маълумки, аёлини улуғлаган, ҳурматини жойига қўйган, ёш оилаларни, айниқса, фарзанд тарбиялаётган оналарни эҳтиром оғушига олган юрт ҳеч қачон завол кўрмаган. Аёлнинг буюк иродаси, сабр-бардоши, зукко ақл-идроки билан жуда кўп муаммолар адолатли ҳал этилган. Бугунги кунда ҳам ҳар бир жамиятнинг маънавий қиёфасини, келажакдаги мақсад-муддаосини унинг аёлларга, оилага, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига муносабатида кўриш мумкин.

Ғарб мамлакатларида оила биздагидек юксак мартабага эга эмас. Дунёнинг турфа мамлакатларида оила ва никоҳ масалаларига турлича ёндашувлар мавжуд. Жамиятнинг бу кичик ячейкасига инсон ҳаётининг мутлақо шахсий, фақат икки кишигагина тегишли бўлган иттифоқ сифатида қаралади. Шунга кўра никоҳ бир неча хил кўринишда тузилиши мумкин. Бунда томонларнинг бўлажак ота-она сифатидаги масъулияти эмас, ҳуқуқ ва мулк муносабатларининг шартномавий ифодаси бирламчи аҳамият касб этади ва бунга деярли ҳеч ким ажабланмайди. Бугун ўта ривожланган, иқтисоди бақувват, номдор мамлакатларда ҳам маънавий-ахлоқий таназзул нишоналари тез-тез кўрина бошлаганининг сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Давоми 4я-бетда

## Дастурга мос қонун лойиҳалари

### партиянинг мақсад, вазифаларига тўла мос келиши инобатга олинган ҳолда депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди

**Фракция**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг қуйи палатадаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Дастлаб, иккинчи ўқишда кун тартибига киритилган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш.Тешаев ахборот берди.

Давоми 2-бетда



## Қонунлар мукаммаллиги

### Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан биридир

**Депутат минбари**

Бугунги кунда замонавий ахборот коммуникация технологияларининг имкониятлари чексиз, у шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бунинг баробарида ахборот узатиш тизими ҳам кундан-кунга такомиллашмоқда. Бироқ ахборот тарқалиши жараёнида нафақат ижобий, балки зарарли хабарлар оқимининг ҳам кириб келаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Хусусан, кейинги пайтда ахборот узатиш тизимининг такомиллашиши оқибатида республикамиз ҳудудига порнографик, зўравонлик, шафқатсизликни тарғиб этувчи материалларнинг кириб келиши ҳолатлари учраб турибди. Бу эса уларга нисбатан қарши курашнинг турли хил усул ва воситаларини янада такомиллаштириш заруриятини туғдирмоқда. Энг аввало, нафақат ёшларнинг балки, кенг жамоатчиликнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи, маданиятимизга ёт ғояларни тарғиб этувчи материалларнинг тарқатилишига самарали қарши курашиш учун ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш зарур бўлади.

Давоми 3-бетда



# Дастурга мос қонун лойиҳалари

партиянинг мақсад, вазифаларига тўла мос келиши инобатга олинган ҳолда депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди

Давоми. Боши 1-бетда

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йилларда республика микромолиялаш соҳасини ва нобанк молия секторини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни бажариш мақсадида ишлаб чиқилган ва халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини назорат қилиш ва амалга ошириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчаларни ўз ичига олади.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруряти республика суғурта бозорида давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорларига мувофиқ олиб борилаётган ислоҳотлар билан белгиланган. Ушбу Қонуннинг алоҳида қоидалари такомиллаштирилиши ва республика иқтисодиёти ҳамда жамият ривожланишининг замонавий тенденцияларига мувофиқ бўлиши талаб қилинмоқда.

— Партиямиз сайловолди дастурида белгиланганидек, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий адолат тамойилларини амалга ошириш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг устувор вазифаларидан саналади, — деди фракция аъзоси К.Ҳамидова. — Суғурта фаолияти ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши эканлигини инобатга оладиган бўлсак, бу партиямизнинг мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Соҳага оид халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар суғурта бозори иштирокчиларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва қонуний манфаатлари тўлиқ тадбиқ этилишига хизмат қилади.

Фракция аъзолари партия позициясидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасига қатор таклифларини билдирдилар ҳамда уни маъқулладилар.

«Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши курашиш бўйича ҳадли Конвенциясига (Женева, 2003 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар эътиборига биринчи ўқишда ҳавола этилди.

Таъкидландики, қонун лойиҳаси «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 ноябрдаги чора-тадбирлар режасига мувофиқ ишлаб чиқилди. 2005 йилнинг 27 февралида кучга кирган ҳадли Конвенция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ташаббуси билан қабул қилинган биринчи халқаро шартнома бўлиб, 174 та давлат ушбу Конвенциянинг иштирокчилари ҳисобланади.

Бугунги ва келажак авлоднинг тамаки истеъмоли ва унинг тутуни таъсири билан боғлиқ саломатликни емирувчи оқибатлардан ҳамда ижтимоий, экологик ва иқтисодий оқибатлардан сақлаш Конвенциянинг асосий мақсадидир.

Республикада тамаки истеъмолига қарши кураш бўйича барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилган. Ҳадли Конвенциянинг кўпчилик қоидалари «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларда, Жиноий ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида ўз аксини топган.

Ўзбекистоннинг мазкур Конвенцияга қўшилиши мамлакатимизга жаҳон ҳамжамиятининг тамакига қарши кураш бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракатларида қатнашиш, тамаки истеъмоли ва унинг тутуни билан боғлиқ касалликлар, ногиронлик, барвақт ўлимни камайтириш мақсадида самарали дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича янги технологиялар, билимлар, тегишли эксперт хизматларини олиш ҳамда илғор тажрибалар билан алмашиниш бўйича янги имкониятлар яратади.

Муҳокама жараёнида фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг долзарблигидан келиб чиқиб қатор таклифларни билдирдилар.

— Ўзбекистон «Адолат» СДП Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишдаги иштироки доирасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолини чеклаш, айниқса, ёшларни бундай иллатнинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилишни ўзининг дастурий вазифаси деб билади, — деди фракция аъзоси С.Турсунов. — Ўзбекистоннинг мазкур Конвенцияга қўшилиши Республикамизда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолига қарши курашиш самарадорлигини янада оширади. Бу эса фуқаролар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси партиянинг мақсад, вазифаларига тўла мос келиши инобатга олинган ҳолда депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси билан иккинчи ўқишда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташев таништирди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси порнографик маҳсулотларнинг республикага олиб кирилиши, реклама қилиниши, намойиш этилиш, тарқатиш мақсадида тайёрланиши ва тарқатилиши билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишлар учун маъмурий жавобгарлик қўллангандан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутмоқда.

Қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга таклиф этилаётган таҳрири юзасидан депутатлар ва йиғилиш қатнашчилари ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позицияси ва нуқтаи-назаридан ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар. Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи-назари белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири.

# Ижтимоий-сиёсий ҳаётда

партия ролини ошириш учун қуйи тузилмаларда ишга ёндашувни янгилаш асосий вазифа саналади

**Бошланғич партия ташкилотларида**

Жаҳондаги барча социал-демократик партиялар одатда ишчи-хизматчилар манфаатлари ҳимоячиси ҳисобланади. Мазкур қатлам кўплаб мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Табиийки, партияларнинг амалий ишини кўрсатиш, дастурий ғояларини тарқатишда ҳар қандай сиёсий кучнинг қуйи бўғинлари ўрни беқиёс. Демак, партия самарадорлиги қуйи бўғинлар томонидан олиб борилаётган ишлар натижасига боғлиқ.

Шу боис, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари таркибидаги БПТлар фаоллигини ошириш, улар сафини етук кадрлар захираси билан бойитиш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса аъзоларнинг сони ва сифат жиҳатдан мустаҳкамланишига хизмат қилаётир. Энг муҳими, аҳолини қизиқтираётган масалалар, уларнинг мурожаатларини қуйи бўғинлар орқали партиянинг юқори органларига етказиш имконияти туғилмоқда.

Ана шундай фаолиятни «Адолат» СДП Навоий вилояти Кенгашининг туман ва шаҳар ташкилотлари таркибидаги бошланғич партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Қизилтепа тумани партия кенгаши таркибидаги БПТлар соғлиқни сақлаш ҳамда таълим-тарбия тизимида юз бераётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва самарали тарғиб қилиш билан бир қаторда, ҳудуддаги мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилган аниқ таклифлар билан чиқаётгани қувонарлидир.

Бугунги кунда туманда 310 нафар «Адолат» СДП аъзолари 7 та БПТга бирлашган. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зебо Мавлонова раислик қилаётган «Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти 30 нафардан ошиқ аъзоларини замон талабларига ҳамоҳанг тарзда янгича ғайрат-шижоат билан ишлашга даъват этаётир. Тумандаги энг фаол БПТдан бири мазкур ташкилот аъзолари асосан зиёлилар ва маҳалла фаолларидан иборат.

— Сафларимизга асл фидойи, адолат ғоялари учун курашувчи инсонларни қабул қилганмиз, — дейди З.Мавлонова. — Айнан уларнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётир. Масалан, жорий йилнинг ўзида қуйи ташкилотларга фуқаролардан маҳалла йўлларини таъмирлаш, газ, электр, ичимлик суви таъминоти ва тиббий хизмат, таълим сифатини яхшилаш мазмунидаги 40 га яқин мурожаат келиб тушди. Мазкур мурожаатлар асосида тегишли ташкилотларга юборилаётган сўровномалар асосида муаммолар бирин-кетин ижобий ечим топмоқда. Шу билан бирга, тумандаги 5-мактабгача таълим муассасасининг 100 нафар тарбияланувчиларини ўз оталиғига олган ташкилотимиз уларни ҳар томонлама рағбатлантириб келмоқда.

Бундан ташқари, «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ҳали олдимизда амалга оширилиши керак бўлган ишлар талай эканлигини кўрсатади. Бу эса зиммамиздаги масъулиятни янада оширишни тақозо этади. Шу мақсадда маҳалла аҳли билан мулоқот ва суҳбатлар ўтказиш ишига алоҳида аҳамият қаратаяпмиз.

— Ҳозирги кунда туман партия кенгашимиз таркибидаги барча БПТлар фаолиятини намунали, деб бўлмайди, — дейди «Адолат» СДП Қизилтепа тумани кенгаши раиси Аҳтам Туйғунов. — Айрим бошланғич ташкилотларнинг сиёсий жиҳатдан етук кадрлар захирасини шакллантириш, иш ҳужжатларини юритиш ва туман кенгашлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасида камчиликлар йўқ эмас. Шунинг учун кучли партиявий интизомни йўлга қўйиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан ҳозир туман кенгаши ҳузурида комиссия тузилиб, БПТлар ишини ўрганиш ва қайта кўриб чиқиш, бошланғич ташкилотлари ҳисобида турган партия аъзоларининг рўйхатини кўриб чиқиш, уларни янгилаш, аъзолик бадали тушумини таъминлашни йўлга қўйиш каби ишлар олиб борилмоқда. Бошланғич ташкилотлар сонини кўпайтириш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида жойларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилаётгани, БПТлар етакчилари иштирокида ҳар ҳафтада кундалик вазифаларни бажариш ва ижро назорати тизимини ташкил этиш бўйича йиғилишлар ташкил этилаётгани фикримизнинг яққол исботидир.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда партия ролини ошириш учун қуйи тузилмаларда ишга ёндашувни янгилаш асосий вазифа саналади. Зеро, айнан бошланғич ташкилотларгина партия электорати билан бевосита иш фаолиятида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолардан хабардор ва энг муҳими, уларни самарали ҳал этишда муҳим бўғин саналади.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Навоий вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

# Мағзи пуч, сохта хулосалар

ХДПчилар «тадбирбозлик» ёрлиғини «Адолат»чиларга бир амаллаб ёпиштиришга шу қадар зўр бераяптиларки, натижада ҳақиқий воқелик чалкаштирилиб юборилмоқда

**Партиялараро рақобат**

Афсуски, баъзи ҳолларда ЎзХДП вакиллари бутун саъй-ҳаракатларини амалий ишларга сарфлаш ўрнига, кўпроқ рақиб партиялар фаолиятини асоссиз танқид қилишдан нарига ўтмаётгандай таассурот уйғотмоқда. Бунга партиянинг нашри «Ўзбекистон овози» газетасида жорий йилнинг 21 февралида эълон қилинган «Ҳаётий ташаббус ўз натижасини бераяпти» мақоласини мисол қилиб олиш мумкин.

Мақолада «Адолат» СДП арзирли натижаларга эриша олмай, тадбирбозликдан нарига ўтмаяпти, «Адолат» СДП каби биз ҳам номига тадбир ўтказиб ўтирсак, бундан кимга фойда, деб қайд этилган.

Шубҳасиз, номига ўтказиладиган тадбир ҳеч кимга наф келтирмайди. Бироқ мақолада ХДПчилар «тадбирбозлик» ёрлиғини «Адолат»чиларга бир амаллаб ёпиштиришга шу қадар зўр берадиларки, натижада ҳақиқий воқелик билан мағзи пуч, сохта хулосаларни чалкаштириб юборадилар.

Ваҳоланки, «Адолат» СДП тадбирбозлиги билан эмас, сайловолди дастурида белгиланган амалий ишларга зўр бераётгани билан электорат назарига тушаётган партиядир. Кейинги пайтларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги бўшаб қолган ўринларга ХДП вакилларидан кўра айнан партиямиз фаоллари сайланаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Сайловдан кейинги ўтган давр мобайнида партия ўз мафкураси, дастурий ҳужжатлари асосида аниқ, изчил ишларни амалга оширишга астойдил уринмоқда. Дарвоқе, электорат билан ишлашда, уларнинг .манфаатларини амалга оширишда ўз ёндашувимиз, иш услубимиз бор. Бу жараёнда рақибларимизга ўхшаб катта залларни одамлар билан тўлдириб, узундан-узоқ, қуруқ маърузабозлик қилиш фикридан йироқмиз.

Келинг, аниқ мисолларга ўтайлик. Ўтган 2011 йилда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон «Адолат» СДП «Universal Medical Treatment» МЧЖ билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш соҳасида янги инновацион технологияни тақдим этиш мавзуида семинар ўтказди. Анжуманда иштирок этган тегишли вазирлик ва ташкилотлар мутасаддилари партиянинг дастурий вазифалар ижросига нисбатан амалий муносабатига гувоҳ бўлишди. Ушбу семинар давомида ўтказилган тақдимотлар асосида турли вазирлик, қўмита ва ташкилотларга тегишли тавсиялар йўлланди ва бугун партия бу борада ўзига олган 10 га яқин мажбуриятлар асосида амалий ишларга қўл урмоқда.

Семинарнинг яна бир аҳамиятли жиҳати — унда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда «Universal Medical Treatment» МЧЖ ўртасида гуманитар лойиҳа амалга оширилаяпти. Унга мувофиқ партиянинг марказий ва ҳудудий Кенгашлари томонидан I гуруҳ ногиронлари, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, республиканинг ноқулай экологик ҳудудларидаги аҳолиси, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари учун хайрия тадбирлари ўтказилмоқда, сифатли ва замонавий тиббий муолажага муҳтож фуқаролар партия йўлланмаси билан дардларига дармон топмоқдалар.

Партия ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳамкорлигида «Ўзбекистон миллий инновация тизими концепциясини шакллантириш» мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференция тавсиялари Вазирлар Маҳкамасига, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Қўмитасига, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, Давлат статистика Қўмитасига тақдим этилди. Конференция давомида Ўзбекистонда миллий инновацион тизимни шакллантириш, унинг таркибий қисмлари, мазмун ва моҳияти, тузилмаси тўғрисида фикр алмашилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар ҳам ўз амалий ифодасини топиб бормоқда.

Партиянинг муқобил энергияни ривожлантириш борасидаги амалий ишларига тўхталишнинг эса ҳожати бўлмаса керак...

Бу саноқни узоқ давом эттириш мумкин. Энг асосийси, партиянинг барча тадбирлари, давра суҳбатлари ва анжуманлари шунчаки, номига ўтаётгани йўқ. Ҳар бир тадбирда олинган таклиф ва ишлаб чиқилган тавсиялар ижрочиларга тақдим этилиб, бугун улар амалий ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Келинг, энди савол берайлик: ЎзХДПнинг парламент фаолиятидаги мухолифлиги нималарда кўринади? Балки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси парламент мухолифатининг фаолиятини назорат қилувчи қонунни қабул қилиш ташаббуси билан чиққандир? Бироқ бу борада қуруқ гапдан нарига ўтилмаяпти. Балки ЎзХДП ўз мухолифатлик нуқтаи назаридан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муқобил лойиҳаларини таклиф қилар? Ёки бу масалага боғлиқ қандайдир дастурни жамоатчиликка инъом этар? Ҳозирча бу нарса кузатилмаяпти. Ўзини кам таъминланган аҳоли қатламларининг сиёсий эркинлигини ифода этувчи партия деб эълон қилган ЎзХДП шу орқали ўзининг яқин келажакдаги сиёсий таназзулига имзо чекди. Ахир мамлакатни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожлантириш стратегияси айнан кам таъминланган қатлам қиёфасидаги «электорат база-си»ни жадал камайтиришга йўналтирилган-ку! Наҳотки ЎзХДП экспертлари буни кўришмаса?

Қисқа фурсат ичида бизнинг партия миллий манфаатларимизга, орзу-ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлини босиб ўтди, деб ишонч билан айта оламиз. Ўзбекистон «Адолат» СДПда реализм, соғлом фикр, бошқаларнинг қарашларига сабрли бўлиш, парламент фаолияти қоидаларини амалга оширишда адолатлиликка асосланган ўзига хос сиёсий маданият шаклланди, деб таъкидлашга тўлиқ ҳақлимиз. Натижада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларимиз сони 2004 йилга нисбатан уч баробар ошди. Энг қувонарлиси, социал-демократик ғоялар ёшлар орасида қизиқиш уйғотмоқда. Охирги икки йил ичида партияга қабул қилинган аъзоларнинг 60 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилади. Бир сўз билан айтганда партия ривожланмоқда.

Бу борада ЎзХДП ҳақида нима дея оламиз? Партия барча даражадаги депутатлик корпуслари орасидаги позициясини йўқотиб бормоқда. Республиканинг барча ҳудудларидаги ижроия ҳокимият органларида ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари орасида ЎзХДП аъзоларининг сони сезиларли даражада камаймоқда. Хуллас, «Бугун ҳаётнинг ўзи ишнинг эски, самарасиз усулларидан воз кечишни талаб этмоқда», деган сўзларни ЎзХДП авваламбор ўзига нисбатан ишлатиши керак...

**Акмал САМЕДЖАНОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси.

# Қонунлар мукаммаллиги

## Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан биридир

Давоми. Боши 1-бетда

Айтиш жоизки, амалдаги Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда бу борада тегишли жавобгарлик кўзда тутилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддаси мазмунига кўра намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида порнографик маҳсулотларни тайёрлаш, шунингдек, уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлсагина жиноий жавобгарликка тортиш мумкинлиги белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасида эса порнографик мазмундаги асарлар, босма нашрлар, ашёларнинг тасвирлари, кино-видео фильмлар, телерадио дастурлар, видео ва овозли материаллар, кинофото материаллар ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бироқ бу нормалар мукаммал эмас.

Чунончи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси Жиноят кодексининг 130-моддасига тўлиқ мувофиқ келмайди. Шу сабабли маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларни шу каби жиноий ҳаракатларни содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишда қийинчилик юзага келарди. Буни 2011 йил мобайнида мазкур ҳуқуқбузарликларга оид бор йўғи саноқли ҳолатлардагина жиноят иши қўзғатилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Инсон маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи, зўрлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларнинг тарқалишини чеклаш, бу борада жавобгарликни янада кучайтириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топиши, фарзандларимизни ахборот муҳитининг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш учун зарур шароитларни яратишга қаратилган узлуксиз ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлиб, мавжуд қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда аҳлоққа зид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасига кўра Жиноят кодексининг 130-моддаси такомиллаштирилиб, янги таҳрирда берилмоқда.

Шу сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи $189^1$-модда билан тўлдирилмоқда. Жиноят кодекси эса шу ҳаракатлар маъмурий жавобгарлик қўлланилгандан кейин содир этилса, жиноий жавобгарликни белгиловчи икки қисмдан иборат $130^1$-модда билан тўлдирилмоқда.

Шу пайтгача «порнографик маҳсулот нима?», деган саволга қонунчилигимизда аниқ жавоб, яъни ҳуқуқий тушунча йўқ эди. Тергов органлари айни шундай ҳолатларда экспертиза тайинлаб, бу масала юзасидан санъатшунослик фани соҳасидаги мутахассислардан керакли жавобни олишлари мураккаб кечарди. Чунки экспертлар турлича хулосалар берарди. Айни бир маҳсулотни, фильмни бир санъатшунос порнографик маҳсулот деб эътироф этса, иккинчиси йўқ, бу порнографик маҳсулот эмас, деган хулоса юритишар эди. Бу эса ўнлаб жиноят ишлари охирига етказилмай қолишига сабаб бўлди. Мазкур қонун лойиҳасида эса биринчи бор қонунчилигимизда порнографик маҳсулот нима эканлигига, зўравонликни тарғиб этувчи маҳсулотларга ҳуқуқий тушунча берилмоқда. Бундай тушунчалар жиноят кодекси атамаларининг ҳуқуқий маъноси берилган бўлимга киритилиши, биринчидан, айнан шундай жиноий ҳаракатларни ёки маъмурий жавобгарликка сабаб бўлувчи ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни жавобгарликка тортишни осонлаштирса, иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириб, қонун ҳужжатларининг амалиётда тўғри қўлланишини таъминлайди.

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддаси мазмунига кўра намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида порнографик маҳсулотларни тайёрлаш, шунингдек, уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлсагина жиноий жавобгарликка тортиш мумкинлиги белгиланган.**

Хусусан, мазкур моддада такроран бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган ва вояга етмаганлар тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотларни ўтказиш ҳолатлари бўйича жавобгарлик назарда тутилмаган эди. Ўзбекистон Республикасининг «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Халқаро конвенцияга қўшилганлиги ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қатор ҳуқуқий нормаларнинг такомиллаштирилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг ушбу моддаси юқоридаги ҳолатлар бўйича жавобгарликни назарда тутувчи қисм билан тўлдирилмоқда.

Мамлакатимизда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун билан ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар тақиқланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Чунки партиямиз сайловолди дастурида қонунлар мукаммаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Қолаверса, порнографик маҳсулотларнинг қайси ёшдагилар ўртасида тарқатилганлиги ва намойиш этилганлигидан қатъий назар халқимизнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятларига, оиласи ва турмуш тарзига ҳамда маънавий негизига катта хавф солади. Шу нуқтаи назардан парламентда фаолият кўрсатаётган фракциямиз аъзолари қонун лойиҳаси концепциясини бир овоздан маъқулладилар. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ҳам ўз таклифларимизни бериш орқали қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, аввало жамиятимизда аҳлоқни, маънавиятни, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни ҳимоя қилиш негизларини янада кучайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-аҳлоқий жиҳатдан камол топиши, уларни ахборот муҳитининг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш учун зарур шароитларни яратишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг қонуний асоси бўлиб хизмат қилади.

**Ойша АХУНОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

Сиёсий ўқиш

# Партия истиқболи йўлида

Мамлакатимизда ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг иштироки тобора ошиб бормоқда. Эртамиз эгалари бўлмиш ёшлар ислоҳотларнинг олдинги сафларида бўлишга, бор куч ва имкониятларини Ватан тараққиёти йўлида сарфлашга интилмоқдалар. Юртбошимиз томонидан ёшларга жуда катта ишонч билдирилаётгани боиси ҳам ана шунда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши қошидаги "Ёш адолатчилар" қаноти ҳам ана шундай муҳим вазифалар моҳиятидан келиб чиқиб, ёшларнинг ғоявий етуклиги ва маънавий камолоти йўлида изчил ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, йигит-қизларнинг сиёсий билим ва малакаларини ошириш, уларнинг "Ёш адолатчилар" сафидаги фаолияти самарадорлигига эришиш — партия истиқболи учун муҳим аҳамият касб этади. Нукус шаҳрида ташкил этилган сиёсий ўқишда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши қошидаги туман ва шаҳар "Ёш адолатчилар" қаноти фаоллари қатнашди.

— Ўқув-семинарни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад, — деди Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши раиси ўринбосари Ривож Ўтарбоев, — партиянинг ёш фаоллари ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, улар фаолиятининг устувор йўналишларини, ёшлар ўртасида "Адолат" СДП ғоялари тарғиботини янада кучайтириш бўйича вазифаларни белгилаб олишдан иборатдир. Бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши, шунингдек, ёшларни ёт ғоялар, зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишга ҳам хизмат қилади.

Иштирокчилар сиёсий ўқиш давомида мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти ва сайлов тизимига доир қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатлари, давлат бошқаруви тузилиши, партиянинг ёшларга оид сиёсатининг мақсад-вазифалари ва устувор йўналишлари ҳамда сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти ижтимоий-сиёсий ривожланишидаги ўрни ва иштироки каби мавзуларда маърузалар тинглашди. Маърузаларнинг интерфаол шаклда ўқитиш ва гуруҳларда ишлаш услубларига асосланган ҳолда етук мутахассислар томонидан олиб борилиши иштирокчиларнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати.

## Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси 2011 йил бюджетининг ижроси ва 2012 йил бюжетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ахборот

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлисида партиянинг 2011 йилдаги молиявий фаолияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, 2012 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари муҳокама этилди.

2011 йил давомида партия ҳисоб рақамларига 2.225.201,9 минг сўм маблағ келиб тушди. Улардан 1.769.405,0 минг сўми давлат бюджетидан ажратилган маблағлар бўлиб, улар партия устав фаолиятини молиялаштириш учун асосий манба бўлиб хизмат қилди. Партиянинг ўз фаолиятидан олинган тушумлар 455.796,9 минг сўмни ташкил этган бўлиб, улардан 229.361,4 минг сўми аъзолик бадалларидан, 223.625,0 минг сўми ҳомийлик ёрдамидан ва 624,0 минг сўми бошқа тушумлардан ҳосил бўлган маблағлардир.

Партия устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган 1.769.405,0 минг сўм бюджет маблағларининг асосий қисми, яъни 1.666.498,7 минг сўми марказий ва ҳудудий ижро этувчи аппаратларнинг жорий харажатлари учун сарф этилган бўлиб, улардан 1.095.094,5 минг сўми партия ходимларининг иш ҳақи ва унга ажратмаларни ташкил этади. Шунингдек, бюджет маблағларидан партия матбуот органи — "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетасига ёрдам кўрсатиш учун 48.787,2 минг сўм; кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш учун 37.971,0 минг сўм; партия фаолларини ўқитиш ва семинарларни уюштириш учун 13.554,2 минг сўм; партия конференциялари, пленумлари ва бошқа шу каби ташкилий тадбирларни ўтказиш 2.593,8 минг сўм жалб этилган.

Партиянинг бюджетдан ташқари маблағларидан 2011 йилда Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати ва ҳудудий партия Кенгашлари жорий харажатлари учун жами 358.884,4 минг сўм, шу жумладан, ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатлари учун 60.030,9 минг сўм, мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал тўловлар учун 49.508,7 минг сўм, ходимларни ўқитиш ва бошқа харажатлар учун 165.097,6 минг сўм, партия янги биносини реконструкция қилиш ишлари учун 84.249,2 минг сўм сарфланди.

Партиянинг 2012 йил бюджетидаги даромадлари 2.639.-432,3 минг сўм миқдорида режалаштирилмоқда. Улардан 225.552,0 минг сўми аъзолик бадаллари тушумларидан, 2.262.566,0 минг сўми давлат бюджети маблағларидан ҳамда 151.314,3 минг сўми ўтган 2011 йил қолдиғидан молиялаштирилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг давлат бюджетидан молиялаштириладиган 2012 йил Харажатлар сметасига биноан партия тадбирларини ташкил этиш учун 115.900,0 минг сўм, Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати жорий харажатлари учун 997.478,0 минг сўм, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари жорий харажатлари учун 1.148.988,0 минг сўм ажратилган.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 2011 йил бюджетининг ижроси ва 2012 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2012 йил 27 февралдаги мажлисида кўриб чиқилиб, маъқулланган.

# Белбоғли кураш: ёшлар бел олишмоқда







Рустам НАЗАРМАТОВ олган суратлар

Адолат мезони

Спорт кишида мардлик ва матонат фазилатларини шакллантиради, кучли иродани тоблайди, қалбда ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида спорт оммавийлигини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

Тан олиш керак, спортнинг Белбоғли кураш тури кўплаб мамлакатларда оммавийлашиб бормоқда. Хусусан, спортнинг бу тури бўйича қатор нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси ва "Адолат" СДП ўртасида ўрнатилган ижтимоий ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда.

4-7 март кунлари пойтахтимизда белбоғли кураш бўйича 1992-1993 йилларда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган Республика чемпионати ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси, Республика "Полвонлар миллий энциклопедияси" жамияти ва "Адолат" СДП ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 200 га яқин ёшлар 15 вазн тоифасида куч синашдилар.

Чемпионатнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Белбоғли кураш федерацияси, "Адолат" социал демократик партияси вакиллари сўзга чиқиб, мусобақада иштирок этаётган ёшларга муваффақиятлар тилашди.

— Мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ёшларни соғлом турмуш тарзи, оммавий спорт, жисмоний тарбия билан шуғулланишга кенг жалб этиш борасида кенг миқёсда ишлар олиб борилаётгани ҳеч кимга сир эмас, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Қодир Жўраев. — Дарҳақиқат, республикамизда маҳоратли спортчиларни тарбиялаш ва спорт мураббийларини тайёрлаш бўйича ишчан тизим шаклланди. Натижада йилдан-йилга нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиблик номини, дунё биринчилигини олаётган ҳамюртларимиз сони тобора ошиб бормоқда. Бу каби чемпионатларнинг мунтазам ўтказилиши ёш спортчилар тажрибаси ва маҳоратининг ошишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, беш минг йилдан узоқ тарихга эга, миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларни ўзида мужассам этган белбоғли кураш мустақиллик йилларида кенг ривож топди. Мамлакатимиз терма жамоаси ушбу спорт тури бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатларида расман 2005 йилдан буён қатнашиб келаётган бўлса-да, дунёда энг кучлилардан эканини исботлашга улгуриб бўлди.

— Бугунги кунда 50 мингдан ортиқ ёшларимиз белбоғли кураш спорт тури билан шуғулланмоқда, — дейди Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси Президенти Равшан Дастиров. — "Адолат" СДП кўмагида ўтказилаётган Республика биринчилиги ёшларимиз учун "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари, қолаверса, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари олдидан муҳим тайёргарлик вазифасини ўтаётганига шубҳа йўқ.

Дарвоқе, келгусида мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, ҳаётимизнинг осойишта ва тинч-тотувлигини бугун камол топаётган баркамол авлод таъминлайди. Зеро, юртимизда эркин демократик жамият қуриш учун юксак вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, жисмонан ва маънан етук, миллий, умуминсоний қадриятларимиз руҳида тарбияланаётган баркамол авлод камолга етмоқда.

— Ўзбекистон азал-азалдан полвонлар, паҳлавонлар юрти бўлиб келган дейди, — Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши раиси К.Шодиметов. — Ота-боболарига муносиб авлод бўлиб улғаяётган бугунги ёшларимизнинг спортга чанқоқлиги, билаги куч-қувватга тўлалигини кўриб қувонасан киши. Бу — юртимизда буюк аждодларга муносиб ворислар тарбияланаётганидан, диёримиз чинакам паҳлавонлар юрти эканлигидан ёрқин далолат!

— Ўн икки ёшимдан буён белбоғли кураш билан шуғулланаман, — дейди Тошкент вилояти вакили, 73 кг. вазн тоифасида беллашаётган ёш полвон Шоҳруҳ Тожибоев. — Мақсадим — ушбу спорт тури орқали ҳур Ватаним байроғини дунё ареналарида юксакларга кўтариб, довруғини янада оширсам дейман.

8 та вазн тоифаси бўйича ўтказилган чемпионатда ғолибларга қимматбаҳо совға, медаль ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Нурбек АБДУХАЛИЛОВ.**

Эътироф



# Жамиятимиз фаришталари

## юртимизда юксак эътибор ва ғамхўрликда

Давоми. Боши 1-бетда

Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга бўлган эътибор эгаллаганлиги ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Мазкур Қарорда эътироф этилган "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойил бугунги замон зайлига жуда мос бўлиб, мустақил давлатимиз тараққиётининг, айниқса, ҳозирги босқичида жуда муҳим ва ўта долзарб ҳисобланади.

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан айтилган ва бугунги кунда шиорга айланган "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган чуқур маъноли сўзлари замирида ҳам аёлларга бўлган юксак ишонч, меҳр-оқибат баробарида кўпроқ аёллargагина юкланиши жоиз бўлган алоҳида масъулият мужассамлашган, десам муболаға бўлмаса керак.

Ана шундай фарзандларни дунёга келтириш учун аввалambор, аёлнинг — онанинг ўзи соғлом, ҳар томонлама етук, иймон-эътиқоди бутун, ҳалол ва пок, оиласи мустаҳкам, дунёқараши замон зайлига мос, фикри теран, интеллектуал салоҳияти етарли даражада ривожланган, маънавияти юксак, фидойи, меҳнатсевар ва ватанпарвар бўлиши, ўзи яшаб турган жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, фидойилик билан яшаши, энг муҳими, ўзининг мустақил ҳаётий позициясига эга бўлиши тақозо этилади.

Шу боисдан ҳам илк мустақиллик йилларидан бошлаб оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқаролар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, юртимиз аёлларининг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги, муҳим ҳукумат қарорларини қабул қилишдаги ҳамда жамият тараққиётидаги фаол иштирокини таъминлаш, хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг ўз иқтидорини турли жабҳаларда намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш, ҳаттоки, уй бекаси вазифасинигина адо этиб юрган ҳокисор аёлларнинг бирортаси ҳам беэътибор қолмаслиги учун жамиятда тегишли шарт-шароит яратиш давлат сиёсати даражасига айланди. Шунингдек, оналаримизнинг, айниқса, қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган аёлларимизнинг уй-рўзғор, бола-чақа билан боғлиқ бўлган юмушларидан, фарзандлар тарбиясидан, ўз оилаларидан узоқлашмаган ҳолда оила даромадини кўпайтиришига ўз улушини қўшиши, уйда туриб меҳнат билан банд бўлишини таъминлаш учун имконият яратиб бериш, уларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Оилалардаги муаммоларни ҳал этиш, оналарнинг фарзандлар тарбияси ва парвариши борасидаги ташвишларини камайтириш, айниқса, қишлоқ аёллари меҳнатини енгиллаштиришга эришиш, қишлоқларда замонавий инфратузилмани барпо этиш, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ҳар қандай камситилишларининг олдини олиш каби масалалар юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқдаки, бугунга келиб буларнинг барчаси ўз самарасини бермоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1995 йил 2 мартдаги, "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2004 йил 25 майдаги Қарори, "Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 1999 йил 10 июндаги Фармони, "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Олий Мажлиснинг XV сессиясида "Сайловлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Парламентига сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёллар сони 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозимлиги хусусидаги норманинг киритилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг она ва бола саломатлиги масалалари ечимига бағишланган ўнлаб муҳим қарорлари жамиятимиз хотин-қизларининг манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш ва амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлардаги фаол иштирокларини таъминлаш борасида самарали хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсати йўналишида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ичида хотин-қизлар, она-бола муаммоларига қаратилган эътибор марказий ўринни эгаллаб келмоқда. Бунда асосий урғу соғлом она — соғлом бола, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги, фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, оммавий спорт, хотин-қизлар спорти, оилавий спорт ишлари, таълим, иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш, жамият тараққиётидаги иштирокини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кабиларга берилмоқда.

Аммо ҳали юртимиз хотин-қизлари салоҳиятидан, имкониятларидан жамият тараққиёти учун тўлиқ фойдаланганимизча йўқ. Ушбу имкониятлардан тўлақонли фойдаланишни йўлга қўйишдан нафақат хотин-қизларнинг ўзлари, уларнинг яқинлари, балки жамият манфаатдор эканлигини инобатга олган ҳолда ҳали хотин-қизлар масалаларида жуда кўп долзарб вазифалар олдимизда турибди.

Аъзолари сонининг деярли ярмини аёллар ташкил қиладиган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Аёллар қаноти ўз фаолиятида асосий эътиборни фуқароларнинг, айниқса, она ва боланинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишга, ҳозирги замон талабларига мос равишда улғайиб бораётган фарзандлар тарбиясига қаратиш лозимлиги, болаларимизни пишиқ-пухта, ўзининг мустақил позициясига эга, ҳуқуқий жиҳатдан саводхон, илмли, турли иллатлардан йироқ қилиб вояга етказиш, уларда жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага дахлдорлик ҳиссини шакллантириш хусусида жойларда, хотин-қизлар, ота-оналар, маҳалла ва таълим масканларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, аёлларга бағишланган тадбирларда келажак авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб вояга етказишда оилада соғлом турмуш тарзини, мўътадил маънавий муҳитни шакллантириш, миллатимизга хос бўлган нозик жиҳатларни, маънавиятимизни, маданиятимизни, ўзига хосликни, бағрикенглик, адолатлилик, холислик, инсонийлик, фидойилик ва жасоратлиликни, аждодларимиз меросига, Ватанга содиқликни, миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни асраб-авайлаш баробарида уларни ёшлар онгига чуқур сингдириш кабилар бугунги кундаги долзарб вазифа эканлиги алоҳида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП хотин-қизларнинг жамиятда катта кучга, салоҳиятга эга эканликларини англагани ҳолда уларга таяниб, гендер йўналишидаги муаммоларни ҳал этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Чунки ҳозирги глобаллашув жараёнидаги серташвиш ва бирмунча таҳликали замон шуни талаб қилаяпти, яъни хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширмасдан туриб, уларнинг жамиятда ўз ўринларини муносиб эгаллашлари учун етарлича имкониятлар яратмасдан туриб, ёппасига аҳолининг ижтимоий-сиёсий онгини шакллантириш, жамият нуфузини ва истиқболимизни белгилайдиган ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мушкул, албатта.

Шу боисдан, партиямизнинг Аёллар қаноти жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари орқали хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига, оналик ва болаликни, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш масалаларига оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, қонунларнинг ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, касаначилик, уй-рўзғор юмушларидан, фарзандлар тарбиясидан ажралмаган ҳолда чорвачилик ва мева-сабзавотчилик билан шуғулланиб, ўз оиласи бюджетига даромад келтиришни хоҳлайдиган аёлларга йўл-йўриқ кўрсатиш, улар учун ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларда маслаҳатлар, кўмаклар беришни ташкил қилиш борасида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилот ва идоралар вакиллари билан ҳамкорликда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда самарадорлигини оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Хотин-қизлар учун яратилган шарт-шароитларга шукроналар айтган ҳолда, аёлларимизнинг иқтидорини, салоҳиятларини ўз ўрнида, ўз вақтида қўллаш имконини янада кўпайтирсак, бу борада уларга яқиндан кўмаклашсак жамиятимиз ривожига қўшаётган ҳиссамиз янада самарали бўлади, албатта.

Ҳар томонлама фаол ва оқила, доно, изланувчан, замонавий аёл меҳнатидан, салоҳиятидан нафақат унинг оиласи, балки бутун жамият манфаатдор бўлиши чин ҳақиқатдир. Шу боисдан, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ролини, хоҳиш-иродаларини инобатга олган ҳолда уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини янада кенгроқ миқёсда таъминлашнинг ҳуқуқий асосини takomиллаштириб бориш, аёллар имкониятларини янада ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Аёллар қаноти раиси,
фракция аъзоси.

**....мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсати йўналишида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ичида хотин-қизлар, она-бола муаммоларига қаратилган эътибор марказий ўринни эгаллаб келмоқда. Бунда асосий урғу соғлом она — соғлом бола, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги, фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, оммавий спорт, хотин-қизлар спорти, оилавий спорт ишлари, таълим, иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш, жамият тараққиётидаги иштирокини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кабиларга берилмоқда.**

# Мангу барҳаёт қўшиқ

Давоми. Боши 1-бетда

Чунки оила қураётганда асосан эр ва хотиннинг манфаатлари ҳисобга олиниши бола тарбиясига маълум маънода соя ташлайди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган кўпдан-кўп ғамхўрлик тўғрисида ўйлаганимда, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди", деган сўзлари ёдимга тушади. Мамлакатимиз Конституциясида жамият ҳаётининг муҳим бўғинлари ҳисобланмиш оила ва маҳалла институтларига, оналик ва болаликни давлат муҳофазасига олишга алоҳида эътибор берилгани қалбимизни фахр ва ифтихор туйғулари билан тўлдиради. "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар". Асосий қонунимиздаги бу буюк қоида дунё ҳамжамиятида ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб бораётган мустақил Ватанимизнинг маънавий тарифига тариф қўшади десак, муболаға бўлмайди.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг бир қанча Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва ҳужжатлари қабул қилинди. "Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истар эдим" — деб таъкидланади муҳтарам Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида. Оила тинч ва соғлом бўлса, юрт ҳам тинч ва фаровон бўлади. Соғлом оилада соғлом фарзандлар вояга етади. Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, оилада ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари, болаларга меҳри фарзандлар дунёқарашида ўз аксини топади. Болалар катталарга тақлид қилиб, уларнинг у ёки бу ишларига эргашиб вояга етадилар. Ота-онанинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати, турмуш тарзи, фойдали меҳнат билан нечоғли бандлиги ва яна ўз сўзида собитлиги, қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилар билан муносабати бола қалбига муҳрланади. Демакки, ота-она ўз фарзандига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиши, яхши амаллари билан уни тарбиялаб бориши керак. Катталарнинг ўзлари амал қилмайдиган нарсаларни ўз фарзандларидан талаб қилишлари ҳамиша ҳам самара бермайди. Ватанимизнинг, миллий тараққиётимизнинг эртанги куни, ишончи ва умиди бўлган ёш авлод тарбияси ҳамиша эътиборимизда бўлмоғи даркор.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш борасидаги амалий ишлар, "Соғлом она — соғлом бола" умуммиллий Давлат дастури, вилоятларда барпо этилаётган скрининг ва перинатал марказлар фикримизга далил бўла олади. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимиз оналикни муҳофаза қилиш бўйича дунёнинг 125 давлати орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 депутатнинг 33 нафари, Сенатнинг 15 аъзоси хотин-қизлардир. Улар давлат бошқаруви органларида, вазирлик ва идораларда, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, соғлиқни сақлаш ва маҳалла тизимида раҳбарлик лавозимларида муваффақиятли фаолият юритмоқдалар. Илм-фан, маданият ва спорт соҳасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган ёшларимиз сафида хотин-қизларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Муҳтарам Президентимизнинг "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори (2010 йил, 1 апрель) бу борадаги ғамхўрликнинг янги ёрқин намунаси бўлди. Аёлларимизнинг шарафли, шижоатли меҳнати, ижодий изланишлари, ташкилотчилик қобилиятлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Улар кўксини мустақил Ўзбекистоннинг олий мукофотлари безаб турибди. Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан, ушбу йилга "Мустаҳкам оила йили" номи берилди. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Давлат дастурида ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, ёш оилаларни қулай ва шинам, замонавий талаблар асосида қурилган уй-жой билан таъминлаш, уларга зарур имтиёз ва афзалликлар бериш кўзда тутилган.

Аёл — тириклик суви, бу ёруғ оламнинг мангу барҳаёт гули. Токи шу гул бор экан, ҳаёт карвони асло тўхтамайди, аёлнинг аёллиги, оналиги, маҳбубалиги ҳаётнинг муқаддас томирларини тириклик сувига ҳамиша қондириб туради, оламни мангу завол кўрмас алласи билан безайди. Шу гул мавжуд ва эъзозда экан, муҳаббат қўшиғи асло сўнмайди. Аёлини улуғлаган юрт эса комиллик сари шаҳдам қадам ташлаб бораверади.

**М.АҲМЕДОВ.**

# Фаолиятни яхшилаш

## аввало вазиятни соғломлаштиришни талаб этади

Ўз-ўзини танқид

Бугун республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартишлар ва давлатимизда олиб борилаётган одилона сиёсатни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгаш депутатлари ва фаолларининг ўз ўрни бор.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Бухоро вилояти Кенгашидан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари ва аъзолари иш фаолиятида ҳам ана шундай жонбозликни, ташаббускорликни кўриш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2011 йил давомида партия депутатлик гуруҳлари томонидан вилоят Кенгашига муҳокама учун ўндан ортиқ таклифлар киритилди, сессияларга қўйилган масалалар муҳокамасида фаоллик кўрсатилди, партиянинг сайловолди дастурига киритилган устувор йўналишлар аҳоли ўртасида кенг тарғиб этилди. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш ва бўш иш ўринлари яратишда партия депутатлар гуруҳи томонидан муайян таклифлар илгари сурилди.

— Кейинги бир йил давомида партия депутатлик гуруҳимизнинг ўрни Бухоро вилоят Кенгашида яққол кўзга ташланмоқда, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Асрор Турсунов. — Ҳозирда вилоят Кенгашида 4 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида 34 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз сайловчилари орасига чуқурроқ кириб бориб, ҳудуддаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини фуқаролар орасида кенг тарғиб қилмоқда.

Хусусан, Вобкент, Ромитан, Шофиркон туманлари ва Коғон шаҳар кенгашлари депутатлик гуруҳининг бевосита ташаббуси остида мазкур ҳудудлардаги қатор маҳаллаларда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг мазмун-моҳиятига бағишланган ўнлаб семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Бироқ, партиянинг вилоятдаги барча депутатларининг тарғибот-ташвиқот борасидаги ишларини қониқарли деб бўлмайди. Масалан, Қоракўл, Қоровулбозор, Жондор туманидаги партия депутатлик гуруҳи фаолиятида муаммолар кўзга ташланмоқда. Бунга мазкур туман партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилмаганлиги сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга юқорида номлари тилга олинган туманларда раҳбар кадрлар ва маҳаллий кенгаш депутатлари учун сиёсий ўқувни йўлга қўйиш борасида камчиликлар мавжуд. Сир эмас, бугунги глобал ахборотлашув даврида партия ўқуви тизимида изчилликни таъминлаш, бошланғич ташкилотлар билан ишлашда юқори самарадорликка эришиш алоҳида аҳамият касб этади. Афсуски, олиб борилаётган таҳлиллар бугун вилоятнинг бир қатор туман ва шаҳарларида ташкил этилаётган айрим тадбирларимизда сифат эмас, балки сон кўрсаткичи устувор бўлиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Мавжуд камчиликларни бартараф қилиш мақсадида вилоят партия Кенгаши ҳузурида тузилган махсус ишчи гуруҳи фаолияти суст партия ташкилотлари ишини чуқур таҳлил қилиб, уларга тегишли тавсиялар бермоқда.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Бухоро вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

# Қонунийликни таъминлаш

## ислоҳотларнинг бош мақсадидир

**Концепция: устувор вазифалар**

Ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг бош талаби қонун устуворлигини таъминлашдир. Қонун устувор экан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла кафолатланади. Мустақил давлатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдаги ислоҳотлар йилдан-йилга чуқурлашиб бормоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да бу соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичи бошлаб берилди. Концепциянинг иккинчи "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш" бўлимида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий чоралар белгилаб берилди.

"Адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши, — дейилади Концепцияда. — Мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади".

Концепцияда қўйилган вазифаларни дастуриламал деб билган вилоят Адлия бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари томонидан Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишга, қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш, хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Ўтказилган текширишларда "Халқ банки"нинг Хўжаобод туман филиалида тадбиркорлик субъектларини нақд пул билан таъминлашда чек муддатлари ўтказиб юборилганлиги аниқланди. Филиал ғазна амалиёт бўлими ходими Ш.Ёқубовга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, туман ДСИнинг қарори билан ҳуқуқбузарга нисбатан жарима жазоси тайинланган.**

Ўтган йил давомида фуқароларнинг 373 та мурожаати келиб тушган. Шундан 135 таси қаноатлантирилган. Бошқарма томонидан 469 та тақдимнома, суд идораларига 1893 та даъво аризалар киритилган. Шундан 1883 таси, яъни 7 миллиард 526 миллион 561 минг 348 сўмлик даъво аризаси қаноатлантирилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти норматив-ҳуқуқий тусдаги қарор лойиҳаларини ҳуқуқий экспертиза қилиш комиссияси томонидан вилоят, Бўз, Андижон, Пахтаобод, Хўжаобод ҳамда Андижон шаҳар ҳокимликларининг 35 та норматив тусдаги қарор лойиҳаси ўрганилиб, улардан 10 таси амалдаги қонунларга номувофиқлиги сабабли қабул қилишга тавсия этилмади.

Бошқарма томонидан тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқини тиклаш ва чора кўриш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимликларига, назорат қилувчи органлар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларига 160 та тақдимнома, 144 та огоҳнома ва кўрсатма, 190 та 2 миллиард 392 миллион 377 минг 696 сўмлик даъво аризалар, 28 та масъул мансабдор шахсларни суд тартибида жавобгарликка тортиш бўйича маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

*Ўтказилган текширишларда "Халқ банки"нинг Хўжаобод туман филиалида тадбиркорлик субъектларини нақд пул билан таъминлашда чек муддатлари ўтказиб юборилганлиги аниқланди. Филиал ғазна амалиёт бўлими ходими Ш.Ёқубовга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, туман ДСИнинг қарори билан ҳуқуқбузарга нисбатан жарима жазоси тайинланган.*

*Мурожаат асосида ўтказилган ўрганиш жараёнида "Таъминот хизмат XXI" хусусий фирмасининг 8800000 сўм пул маблағини тўлов топшириқномасисиз тумандаги "Отабек" фермер хўжалигининг қарзини сўндириш учун ўтказиб юборилганлиги аниқланиб вилоят Хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Натижада суднинг қарорига кўра, 8800000 сўм асосий қарз, банкнинг устав фондидан эса 3168780 сўм жарима ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди.*

Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлаш соҳасида ўтказилган текширишларда 1698 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, улар бўйича 160 та тақдимнома киритилди. Уларга асосан 54 та ҳужжат бекор қилинди, 170 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 7 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида хўжалик шартномаларини тузиш ва бажарилишига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўтказилган ўрганиш жараёнида 3768 ҳолатда шартномаларнинг бажарилиши, 11921 та, ҳолатда шартномаларнинг тузилиши бўйича қонун бузилиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан судларга 1189 та, яъни 5 миллиард 731 миллион 351 минг 24 сўмлик даъво аризалар киритилди. Киритилган даъво аризаларидан 1234 таси ёки 4 миллиард 69 миллион 345 минг 842 сўми судлар томонидан қаноатлантирилди. Масалан, *Избоскан туманидаги "Тиллабоев жаннат меваси" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб "Андижондонмаҳсулотлари" АЖ жавобгарлигидаги шартнома мажбурияти бажарилмаслиги натижасида юзага келган қарз ва пеняни ундириш ҳақида вилоят Хўжалик судига киритилган даъво аризага кўра 4063996 сўм асосий қарз ва 2031998 сўм пеня ундирилди.*

*Шаҳрихон тумани "Пилла" давлат корхонасида ўтказилган ўрганишда 563 миллион 379 минг сўм қарздорликнинг муддати ўтказиб юборилганлиги ҳолати юзасидан, Шаҳрихон туман прокуратурасига таклиф киритилиб, корхона раҳбари О.Усмонов, бош ҳисобчи М.Жалоловларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишига қўшилиб айбдор шахсларнинг айбдорлик масаласи ҳал этилди. Умуман ўтган йил давомида 8 та ҳолатда жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этиш юзасидан прокуратура органларига таклиф киритилиб, 5 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди.*

Бошқарма томонидан юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, мамлакатимизда рўйхатдан ўтказилган маҳаллий, шунингдек, чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятида қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторинг олиб бориш, адвокатура ва юридик ёрдам тизимини ривожлантириш соҳасида ҳам қонунийликни таъминлаб изчил иш олиб борилмоқда.

Қонунийликни таъминлаш суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг бош мақсади экан, адлия идоралари ўзларига берилган ваколат доирасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, қонун устуворлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалари фаолиятида қонунийликни таъминлашга йўналтирилган жамият ва давлат соҳасида норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини изчил амалга оширишга интилаверади.

**Ботиржон МАМАДАЛИЕВ,**
Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

**Депутатлик гуруҳларида**

# Депутатлик мартаба эмас

## у эл-юрт берган ваколат. Демак, депутатлик гуруҳлари партия дастурий мақсадларини амалга оширишга фидойилик билан ёндашмоқлари жоиз

Кун сайин сиёсий партияларга бўлган эътибор ва шунга монанд равишда талаб ҳам ошиб бормоқда. Айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар учун муҳим ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур қонун асосида маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари учун юзага келган ваколат ва шу билан бирга, катта масъулият улар фаолиятида ташаббускорликни оширишни, депутатлик гуруҳлари ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Бугун Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳи тегишли ваколат ва имтиёзлардан самарали фойдалана олаётганликлари гувоҳи бўламиз. Айни вақтда вилоятда халқ депутатлари вилоят Кенгашида 4 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 43 нафар партия вакиллари 9 та депутатлик гуруҳига бирлашган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар. Ҳар бир депутатлик гуруҳлари фуқаролар қабулхонасини ташкил этишган. Мурожаатларнинг ижобий ечим топаётганлиги аҳолининг депутатлар фаолиятига ишончини оширмоқда.

Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам самарали йўлга қўйилган. Масалан, Юқоричирчиқ туманидаги «Ийкота» ҚФЙда ўтказилган учрашувлардан бирида бевосита аҳолидан тушаётган ариза ва таклифларни ўрганишга бағишланди. Шу ҳудуддан сайланган Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ў.Муҳаммедов аҳоли томонидан билдирилган таклифлар асосида фаолияти тўхтаб қолган болалар боғчаси ҳамда касалхона муаммосини ҳал этиш юзасидан тегишли идораларга сўровномалар юборди. Ана шундай учрашувлардан биридаги мурожаат асосида Оҳангарон туманининг Гўшсой қишлоғида вилоят Кенгаши депутатлари З.Эралиева ва Ў.Муҳаммедовлар кўп вақтдан буён қаровсиз ётган ҳудудни ободонлаштириш, бу жойни маънавият ва маърифат марказига айлантириш ишига ҳисса қўшишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқилган ҳолда табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш масаласига жиддий эътибор қаратиш, муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш, жойларда соҳани рағбатлантириш, ушбу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни бартараф қилиш каби долзарб масалалар ҳам депутатлик гуруҳи диққат марказида турибди.

Айтиш керакки, депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган бу каби ишлар партия мақсад ва вазифалари ва унинг сайловолди дастури ижросини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир. Бироқ бу мисоллар ҳудуддаги маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти камчиликдан ҳоли деб хулоса чиқариш имконини бермайди. Баъзи депутатларда масъулият, журъат ва қатъият етишмаётган бўлса, айримлари яратилган имконият ва ваколатлардан самарали фойдалана олмаяпти. Бунда жойлардаги партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасида доимий алоқа ўрнатилмаганлиги сабаб бўлмоқда. Ана шундай муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳам бугунги кунда вилоят партия Кенгашининг диққат марказидаги масала бўлиб турибди, албатта. Буни биргина яқинда вилоят партия Кенгашининг IV Пленумида кўрилган мавзулар қамровида ҳам англаш мумкин. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳларининг ўрни» мавзуидаги ушбу тадбирда ташаббускорлик ва масъулият етишмаётган депутатлар фаолияти қаттиқ танқид қилинди ва бу муаммоларни бартараф қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Пленумда, ҳар бир сайлов округи муайян маҳаллалардан ташкил топганлиги инобатга олиниб, депутат ўз сайлов округида тўғридан-тўғри маҳалла раиси ва фуқаролар йиғини билан ишлаши кераклиги, маҳалла фаолларининг барча йиғилишларида иштирок этишлари борасида тавсиялар берилди. Вилоят, туман ва шаҳар партия Кенгаши вакиллари иштирокида доимий равишда сиёсий ўқишлар ташкил этилиб боришга ҳам келишиб олинди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Тошкент вилояти
Кенгаши матбуот хизмати.

ASAKA BANK

# Ҳурматли юртдошлар!

# «Асака» банк (ОАЖ)

**Яқинлашиб келаётган 8 март —**

**Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклайди ҳамда**

**қуйидаги янги миллий валютадаги муддатли омонат турини таклиф этади:**

## «БАҲОР»

*Сақланиш муддати —8 ой, фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан (8 ойдан) сўнг берилади.*

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ)
филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 8 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 8 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 8 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 8 371 | 225-16-46 |
| Сирғали филиали | 8 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 8 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 8 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 8 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 8 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 8 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 8 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 8 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 8 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 8 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 8 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 8 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 8 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 8 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 8 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 8 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 8 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 8 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 8 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 8 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 8 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 8 372 | 226-43-11 |

*Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.*

**«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**

- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

*Хизматлар лицензияланган*

# Кўникмалар шакллантирилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД) ҳамкорлигидаги «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида Жиззах ва Наманган вилоятлари ҳокимликларида Ахборот хизмати (АХ) фаолиятини самарали ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, шу кунга қадар лойиҳа доирасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, мазкур вилоятлар ҳокимликларида янгидан ташкил этилган Жиззах, Наманган шаҳарлари ва Зомин ҳамда Янгиқўрғон туман ҳокимликлари Ахборот хизматлари энг сўнгги турдаги замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Эндиликда, ахборот хизматлари томонидан аудио-видео техникалардан унумли фойдаланиб, ҳокимликлар томонидан амалга оширилаётган турли тадбирлар аҳолига ОАВлари орқали етказиб берилмоқда. Шунингдек, лойиҳа кўмагида мазкур ахборот хизматлари ходимлари малакасини оширишга қаратилган кўплаб семинар-тренинглар ташкил этилаяпти. Масалан, жорий йилнинг 28 февраль — 3 март кунлари Тошкент шаҳрида «Ахборот хизматининг фаолиятини такомиллаштириш стратегиялари» мавзусида ўқув-семинари ўтказилди. 6 та ҳокимлик ахборот хизматлари учун ташкил этилган тренингдан кўзланган мақсад — фаолият самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш ва истиқболли режаларни белгилаб олишдан иборат бўлди. Беш кунлик мазкур семинар-тренингда ҳокимлик ахборот хизмати фаолияти, Ахборот хизматлари менежменти, пресс-конференциялар, брифинглар, давра суҳбатлари ташкил этиш, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлашга оид билим ва кўникмаларини шакллантириш асосий мавзуга айланди. Интерактив, фаол тарзда бўлиб ўтган ўқув дастури давомида иштирокчилар ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида ахборотнинг аҳамияти, тадбирларни режалаштириш, амалга ошириш, ОАВлар учун пресс-китлар тайёрлаш, медиатаҳлил ўтказиш, тегишли маълумотларни махсус веб-сайтларга жойлаштириш, журналистлар билан ишлашдаги танг вазиятларни бошқариш усуллари бўйича билим ва кўникмалар олинди.

Семинар давомида мутахассислар Венера Эрметова, Гулноза Хусанова, Мадина Турдиева, Отабек Эшматовларнинг мавзуга оид маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги, БМТ ва Ўзбекистон республикаси Савдо-саноат палатаси матубот хизматлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

**С.РАПИҚОВ,**
Наманган вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари.

# «ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ» мажмуаси жамоаси

## Мамлакатимиз аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан қизғин табриклайди.

8 Март



Ҳамма-ҳамма аёлларга аъло кайфият, соғлиқ-саломатлик, бахтли ҳаёт тилайди.

Шу сўлим ва файзли кунларда сизларга бир олам қувонч, бахт-саодат ва оилавий тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин.






Соғлиқ инсонга ато этилган энг бебаҳо неъматлардан бири ҳисобланади. Афсуски, биз кўпинча бу бойликнинг қадрига етмаймиз. Фақатгина бирор жойимиз оғриб қолсагина шифокор ҳузурига югурамиз. Оқ халат кийган инсонларнинг бир оғиз ширин сўзи ва меҳрибонлиги туфайли дардимиз енгиллашгандек бўлади. Шифокорлик қийин ва масъулиятли, шу билан бирга, шарафли касблардан бири ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш даражаси кундан-кунга ортиб бормоқда.

# Шарафли касб соҳибаси



Ички ишлар вазирлигининг Тиббиёт бошқармасида ҳам бу борада кўплаб ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, ИИБ Марказий госпиталининг беморларни қабул қилиш бўлинмасида барча шарт-шароитлар яратилган, УЗИ, ЭКГ, лаборатория хоналари ишлаб турибди.

Майор Дурдона Умарова узоқ йиллардан бери беморларни қабул қилиш бўлинмаси бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шифокор беморларга доимо сифатли ва малакали тиббий ёрдам кўрсатаётгани боис фақат олқишлар эшитади. Шунингдек, Д.Умарова иш фаолияти давомида мутахассислиги бўйича доимий равишда малакасини ошириб, ИИВ тиббиёт муассасаларида уюштириладиган амалий анжуманларда ўз маърузалари билан мунтазам равишда иштирок этмоқда. Госпитал жамоаси ўртасида хушмуомалалиги ва камтарлиги билан ҳурматга сазовор бўлган бу шифокор беморлар дардига ширин сўз билан ҳам малҳам бўлиш мумкинлигини яхши билади. Майор Д.Умарова икки фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Дилмурод Тошкент Олий ҳарбий техник билим юртини битириб, ҳозирги кунда профилактика инспектори вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Мамлакат эса Марказий госпиталда ҳамшира.

Аёл ким бўлишидан, қайси соҳада ишлашидан қатъи назар, ҳамиша эъзозга ва ҳурматга лойиқдир. Байрам арафасида юртимиздаги барча аёлларга, шу жумладан, эгнига оқ халат кийиб, эл-юрт хизматига бел боғлаган ички ишлар идоралари ходималарига бахту саодат тилаб қоламиз.

**Шаҳло БОБОЕВА,**
ИИВ ИҲҲҚ ва ЮТБ
инспектори.

# Умримиз чароғбонлари — бахтимиз тимсоли

Аёл латофати, меҳри олдида тош эрийди. Унинг жамиятдаги мавқеи ҳақида сўз кетгудек бўлса, кўз ўнгимизда Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин каби буюк сиймолар гавдаланади. Уларнинг ҳаёт йўли, дунёқараши, мавқеи асрлар давомида юртимиз аёлларининг чинакам тимсоли бўлиб келаётир.



Бугун истиқлол шарофати туфайли хотин-қизлар жамиятнинг ҳар бир бўғинида фаол. Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган изчил ва кенг кўламли ислоҳотлар аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки кенгайишига йўл очиб берди. Сўзимиз қуруқ бўлмасин. Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг биргина Фарғона вилоят Кенгашида 9094 нафар аъзо бўлса, уларнинг 5200 нафарини ташкилотчи, ташаббускор ва тадбиркор опа-сингилларимиз ташкил этади. Боз устига, партиямиздан халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашига ҳамда ҳудуддаги шаҳар ва туман кенгашларига сайланган 45 нафар депутатнинг муайян қисми аёллардан иборат. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан эл орасида ҳурмат ва эътибор қозониб келишмоқда.

Агар мендан мустақиллик берган неъматларнинг энг улуғи қайси деб сўрашса, шубҳасиз, аёлларга яратилган имконият, деган бўлардим. Чунки мустақиллик шарофати билан халқимиз барча соҳаларда ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиш, эзгу орзу умидларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлди. Ўз навбатида аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш учун катта имкониятлар яратилди. Мамлакатимиз аёллари, аввало, оналик масъулияти, турмуш ташвишларидан ортиб, юрт истиқболи, миллат тақдири, фарзандлар камоли учун ҳам ёниб яшайдиган эзгу ва улуғвор мартабаларга кўтарилди. Улар юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишди. Юртимизнинг бугуни ва эртасига бефарқ бўлмаган миллионлаб аёлларнинг бири эканимдан, ўз касбим орқали эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқишига оз бўлса-да, ҳисса қўшиб келаётганимдан беҳад бахтиёрман.

Улуғ шоир Ғафур Ғуломнинг жаннатмакон она — Зулфияхоним мадҳига «Муаззам Шарқ намоёндир сенинг покиза жонингда» деб ёзган сатрида жами меҳрибон, қалби дарё волидаи муҳтарамаларимизнинг сурати чизилган.

Не тонгки, ҳар йили баҳорда — Хотин-қизлар байрами кунлари Президентимиз қарори билан Тошкент шаҳрида ўрнатилган Зулфияхоним ёки Мустақиллик майдонидаги бахтиёр она рамзи, Хотира майдонидаги Мотамсаро она зиёратгоҳлари гулу гулчамбарларга тўлиб тошади. Бу гулу гулдасталар ҳар бир она яшайдиган, ҳар аёл шавқи тўлган, ҳар қиз-жувон кулгуси янграган хонадонларга оқиб киради. Ҳар ён муаззам ифорларга тўлиб-тошади.

**Зулфия ИСЛАМБЕКОВА,**
Халқ депутатлари Фарғона
шаҳар Кенгаши депутати,
вилоят ўсма касалликлари
шифохонаси бош шифокори.

**Хотин-қизлар ҳар ишда ўрнак**

## Уй бекалари хурсанд

**СУРХОНДАРЁ.** Шўрчи туманида Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Ана шу эзгу мақсад йўлида тумандаги «Ёш ғайрат» маҳалласи ҳудудида 45 та хўжаликка мўлжалланган ҳамма қулайликларга эга якка тартибдаги янги уй-жойлар калити ўз эгаларига топширилди. Бу — 45 та хонадон бекалари ўз оила аъзолари билан Халқаро хотин-қизлар байрамини янги уйларда кутиб олишади, дегани.

— «Мустаҳкам оила йили»да кўчиб кирган янги уйларимиз барчамизга янги-янги қувонч ва омад олиб келгай, тўй-томошаларимиз кўпайгай, — дейди уй бекаларидан бири Инобат Йўлдошева. — Илоҳо, бизга ўхшаганлар ғамини қилиб келаётган Юртбошимиз доим омон бўлсин.

## Спортчи қизлар сафи ортмоқда

**ТОШКЕНТ.** Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалидан олинган хабарга кўра, ҳозирги кунда бу ерда 378 минг нафар ўсмир ёшлардан 133 минг 300 нафари спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Бу рақам — вилоятда спортчи ёшлар сони 2005 йилга нисбатан 31 минг нафарга кўпайганини, шундан спортчи қизлар сафи — 35 минг нафарга ёки 2 баробарга ортганини кўрсатади. Хусусан, спортга ошно қишлоқ ёшлари 90 минг нафар бўлиб, уларнинг 40 минг нафарга яқини қизлардир.

Ўтган йил спортнинг биргина тури — бадиий гимнастика бўйича Истанбул шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада бекободлик Зилола Жўраева олтин медаль соҳибаси бўлган бўлса, чирчиқлик Фотима Давлетова, олмалиқлик Шоҳида Абдусодиқова билан Беҳруза Темировалар кумуш медалларни қўлга киритдилар. Янги — 2012 йилда уларнинг сафи яна ўнлаб нафар қизларга ортиши кутилмоқда.

## Ибратли тадбирлар

**САМАРҚАНД.** Самарқанд шаҳар халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган 88 та мактабгача таълим муассасаларининг 3 таси махсус типдаги МТМ бўлиб, 2 таси санаторий, 4 таси боғча-мактаб мажмуасидир.

Яқинда бу ерда МТМ тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган «учинчи минг йилликнинг иқтидорли тарбияланувчилари» беллашувида болалар ўзларининг мурғак билим кўникма ва малакаларини ёрқин намойиш этдилар.

— Ҳар ойнинг охирги жума куни болаларнинг билимларини мустаҳкамлаш, луғат бойлигини ошириш, бадиий адабиётлар билан таништириш мақсадида турли тадбирлар ўтказаяпмиз, — дейди шаҳардаги 2-сон боғча-мактаб мудираси Нигора Асророва. — Бундан ташқари, болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, ота-оналарга юқумли касалликлар ҳақида тушунтиришлар бериш мақсадида ҳам ҳар ойнинг биринчи чоршанбаси куни «Соғлом авлод — соғлом келажак» мавзуида соғломлаштириш тадбири ўтказаяпмиз.

## Дунё янгиликларига нигоҳ

**БУХОРО.** «Тиббиёт коллежимизнинг ахборот-ресурс маркази пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси интеграциялашган тармоғига уланди», — деб хабар беради ушбу коллежнинг ахборот-ресурс маркази раҳбари Лайло Иноятова.

Дарвоқе, эндиликда коллеж ўқувчилари шу ернинг ўзида туриб, ўзларига зарур ахборот ва ноёб манбаларни интернет орқали ушбу нуфузли кутубхона тармоғидан оладилар. Бу — коллеж АРМ хизматидан бугунги кунда уч минг нафарга яқин китобхон бемалол фойдаланиш имконига эга бўлди, деганидир.

Эътиборли жиҳати, мазкур коллежнинг ахборот-ресурс маркази вилоятда интеграциялашган тармоққа уланган ўн тўққизинчи маскан бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодга дунё янгиликларига нигоҳ ташлашлари учун мамлакатимизда уларга яратилаётган навбатдаги яна бир қулайлик, яна бир байрамолди совғасидир.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ
**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*
**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;
**Телефонлар:** қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс); котибият — *233-41-89*.
**Навбатчи муҳаррир** — Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ.
**Навбатчи** — Илёс САХАТОВ.
«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 200
ISSN 2091-5217
Таҳририят манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
adolat_gazeta@mail.ru
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 300. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 10612.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 22.30
1 2 3 5



## «ШЎРТАННЕФТГАЗ»

### унитар шўъба корхонаси жамоаси

*Азиз опа-сингилларимизни,
муҳтарама онахонларимизни
8 март – Халқаро
хотин-қизлар
куни билан қизғин табриклайди.*



*Сизларга бахт-саодат,
оилавий шукуҳ
ва фарзандлар саодати
доимо йўлдош бўлсин!*

*8 Март!*

## Pharmed sanoat

### хусусий корхонаси жамоаси

*8 март –
Халқаро хотин-қизлар
куни байрами билан самимий
муборакбод этади!*



*Хонадонингиздан
тинчлик-хотиржамлик, файзу
барака аримасин!*

*Сизлар билан ҳамиша
олам чароғон!*

